



# Халқ сўзи

Ўзбекистон –  
келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: Info@xs.uz

2013 йил 25 декабрь, № 252 (5926)

Чоршанба

## СОҒЛОМ АВЛОД – СОҒЛОМ КЕЛАЖАК

## хабарлар

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида бир гуруҳ истеъдодларимиз қаторида Польшада оғир атлетика бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида моҳир спортчимиз Руслан Нурудинов ғолибликни қўлга киритганини ва у “Ўзбекистон ифтихори” юксак унвони билан тақдирланганини айтиб, “Ватанимизнинг шону шухратини бутун дунёга тараннум этаётган, сафлари тобора кенгайиб бораётган бундай фарзандларимизни ҳар қанча қўллаб-қувватласак, ҳар қанча эъзозласак, арзийди, албатта”, дея таъкидладилар.



ФАХР

Дарҳақиқат, ажойиб паҳлавонимиз Руслан Нурудиновнинг энг мураккаб спорт турида эришган улкан ғалабасидан бутун халқимиз, айниқса, андижонликлар чексиз гурур ва ифтихор ҳиссини туйди, десак, муволафа бўлмайди. Чунки Руслан айнан Андижонда камолга етиб, спортдаги илк ютуқларини ҳам шу вилоятда қўлга киритган.

Ўзига хос ўрни бор. Бу, давлат даражасидаги эътибор туфайли худудда мавжуд шарт-шароитларнинг тобора яхшиланиб бораётгани, истеъдодларни аниқлаш, улар маҳоратини ошириш йўлига тизимли ишлар йўлга қўйилгани билан боғлиқ. Масалан, бугун вилоятнинг қайси бир худудига борманг йирик ишлаб чиқариш корхоналари, ижтимоий инфратузилма объеклари, тураржой бинолари қаторида бири-биридан мухташам спорт мажмуалари, стадионлар, сузиш ҳавзалари ва майдонча-

лар ён-атрофга алоҳида кўрқ бағишлаб турганига гувоҳ бўласиз. Замон талаблари даражасида барпо этилган ва этилаётган ана шу масканларда минглаб ёшлар футбол, бадий гимнастика, бокс, оғир атлетика, теннис, сузиш, баскетбол, волейбол, кўл тўпи, қўлчиқозлик, шахмат каби ўндан ортиқ спорт турлари билан мунтазам шуғулланишяпти. Уларга малакали мураббийлар бириктирилган.

Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилганидан буён ўтган давр мобайнида вилоятда 149 та объект фойдаланишга топширилди. Шунинг 89 таси бутунлай янгитдан барпо этилган спорт иншоотлари бўлиб, асосий қисми қишлоқ жойларда қурилган. Биргина жорий йилнинг ўзига 5 та умумтаълим мактабига спорт заллари қад ростлади, 3 та болалар спорт иншооти реконструкция қилинди. Ушбу масканлар 32 турдаги спорт жихозлари билан таъминланди.

Имкониятлар, шароитларни яхшилаш баробарида, вилоятда спорт объектларидан тўла ва самарали фойдаланишни ташкил этиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, қизларни ёшлигидан спортга жалб этиш борасидаги саъй-ҳаракатлар эътирофга лойиқ. Зеро, Президентимиз Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг йиғилишларида айни шу масаланинг муҳимлигини қатор ҳаётий мисоллар орқали тушунтириб берган эдилар.

(Давоми 4-бетда).

■ “Олис коинот” масъулияти чекланган жамияти Норин тумани бандликка кўмаклашувчи ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказига корхонада 20 та буш иш ўрни мавжудлиги ҳақида маълумот берди.

### Ёшлар учун иш ўринлари

Гап шундаки, корхонада яқин вақтгача фойдаланиб келинган тикув дастгоҳлари анча эскириб қолган эди. 104 миллион сўмлик инвестиция киритилиб, улар хоризнинг замонавий ускуналари билан алмаштирилгач, маҳсулотлар тури кўпайди, иш ўринлари сони икки баробар ортиб, қирқтага етди.

Айни кунларда бу ерда куз ва қиш фасли учун мўлжалланган 14 турдаги кийимлар тикилаяпти. Кичик бизнес субъектида жорий йилнинг ўтган даврида ишлаб чиқарилган 640 миллион сўмликдан ортиқ маҳсулот ички бозорга чиқарилди.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

■ Гулистон шаҳридаги “Сардорбек нурли келажаги” хусусий корхонасида фойдаланиб бўлинган пластмасса идишлардан хом ашё тайёрлаш йўлга қўйилди.

### Мусаффоликка хизмат қилади

Бунинг учун хориздан илгор ускуналар харид қилиниб, уларни бошқариш учун 15 киши ишга жалб этилди.

ни янада ошириш ниятимиз бор.

Эътиборлиси, янги корхона айни пайтда атроф-муҳит мусаффолигини сақлашга ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

■ Амударё туманида фаолият юритаётган “Asia Silk” шўба корхонаси йилига 250 тонна пиллани қайта ишлаб, ундан сифатли ипак толаси олиш қувватига эга.

### Корхонанинг трикотаж маҳсулотлари

Бу ерга ўрнатилган 290 минг АҚШ долларлик илгор дастгоҳлар 67 нафар маҳаллий йигит-қиз томонидан бошқарилмоқда.

— Жорий йилнинг ўтган даврида 864 миллион сўмликдан зиёд хом ипак, 237 миллион сўмликка яқин трикотаж мато ишлаб чиқаришга эришдик, — дейди корхона раҳбари Ёқубжон Тўраев. — Шундан 600 миллион сўмликдан зиёдини экспортга жўнатдик.

Ҳозир жамоа тайёр трикотаж маҳсулот ишлаб чиқаришга мўлжалланган, қиймати 800 минг АҚШ долларлик янги лойиҳа устида иш олиб бормоқда. Ушбу мақсад рўйга чиқиши билан 16 та қўшимча иш ўрни ҳам юзага келади.

Ҳидоят АҲМЕДОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

■ Тошкент вилоятида жорий йилда қурилиш маҳсулотлари тайёрлашга ихтисослаштирилган 50 дан зиёд янги корхона фаолияти йўлга қўйилди.

### Пешқадамлик мезони

Янгийўл туманидаги замонавий эшик ва дераза ромлари тайёрланадиган “Rasulov GI” масъулияти чекланган жамияти жамоасида ҳам мавжуд имкониятлардан фойдаланиб навбатдаги модернизация лойиҳаси асосида корхонага қўшимча технология ускуна ва ду-

радгорлик анжомлари келтириб ўрнатилди. Ушбу технология янгилашлар туфайли бу ерда йиллик ишлаб чиқариш ҳажмини 2000 донагача кўпайтириш имконияти юзага келди.

Файрат ШЕРАЛИЕВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилганидан буён ўтган давр мобайнида вилоятда

# 149 та

объект фойдаланишга топширилди.



### ДИЛ СЎЗИ

Юртимиз истиқлолга эришганда, биз ёш бола бўлганмиз. Катта авлод вакиллари билан бўлган суҳбатлар, Президентимиз асарлари мустақиллигимиз тарихини ўрганишда биз учун дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

## Ишонч ва қатъият

Бугунги кунда юртимизда рўй бераётган ўзгаришлар, янгиликлар шунчалик тез содир бўлмоқдаки, бу ҳолатни ёшларимиз одатий ҳол сифатида қабул қилишмоқда. Ваҳолонки, биз давлатимиз мустақилликка эришиш оstonасида” асарини ўқиб-ўрганиш жараёнида бу кунлар осонлик билан қўлга киритилмаганлигини англаб етмоқдамиз. Мамлакатимиз халқимизнинг сиёсий иродаси, жасорат ва матонати эвазига не не кийинчиликларни енгиб ўтиб, озодликнинг ёрқин йўлига чиққанлигини теран ҳис этаёпмиз.

Президентимиз халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сурхондарёлик ҳар бир инсон, ҳар бир оиланинг ютуғидан худди мен шу ютуқларга ҳисса қўшгандек, хурсанд бўламан, дедилар. Бундай ҳароратли сўзлар ҳар биримиз, айниқса, ёшларимизни руҳлантириб юборди. Чунки биз бугун оқни қорадан ажратилишни ўргандик. Шу муқаддас Ватан учун хизмат қилсак, элим, деб, юртим, деб ёниб яшасак, албатта, мурод-мақсадимизга етамиз.

Ўзбекистон ёшларининг бир вакили сифатида ваъда бераманки, биз Президентимиз асос солган мустақиллик ва тараққиёт йўлида дадил қадам ташлаб, олдинга интилаверамиз. Истиқлолга, озод ва обод Ватанга муносиб фарзандлар бўлишга астойдил ҳаракат қиламиз.

Файрат РАСУЛОВ,  
Термиз давлат университети ўқитувчиси.

## ОҚИЛА, МЕҲРИБОН, ТАШАББУСКОР

хотин-қизлар юрт равнақига муносиб улуш қўшмоқдалар

“Обод турмуш йили” Давлат дастурида оила мустаҳкамлигини таъминлаш, аёлларнинг оила ва жамиятдаги роли ҳамда ижтимоий фаоллигини ошириш, уларни иқтисодий тури тармоқларига жалб қилиш, тадбиркорлик фаолиятини кучайтириш, фаол, фидойи, ташаббускор хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга оид белгиланган вазифалар ижроси жойларда изчил таъминланиб, бу каби эзгу ишлар кўлами янада кенгаймоқда.

### «ЙИЛ АЁЛИ — 2013»

Кун кеча пойтахтимизда Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси томонидан ўтказилган “Йил аёли” танловининг республика босқичи ҳам ушбу йўналишда олиб борилаётган саъй-ҳаракатларнинг

ёрқин намунаси, десак, айна ҳақиқат. Тадбирда мамлакатимизда хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, саломатлигини мустаҳкамлаш,

оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оилаларнинг моддий аҳолининг яхшилаш, уларнинг жамиятдаги нуфузини оширишга қаратилган чоратадбирлар босқичма-босқич, тизимли равишда

амалга оширилаётгани қайд этилди. Эътиборлиси, бугунги кунда улар маҳаллалар, оилалардаги тинчлик ва осойишталик, меҳр-оқибат муҳитини сақлаш, ҳаёт ташвишлари ва муаммоларини оқилона ҳал этиш, фарзандларни баркамол инсонлар этиб тарбиялаш билан бирга, юртимиз равнақига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

(Давоми 2-бетда).

## Юксак инсонпарварлик ифодаси

Маълумки, истиқлол йилларида юртимизда кенг қамровли ислохотлар амалга оширилиб, фуқароларнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ҳуқуқ ва эркинликлари тўлиқ таъминланишига эришилмоқда. Бунда жиноят қонунчилиги изчил либераллаштирилаётганлиги ҳам муҳим омил бўлаётир. Зеро, унинг моҳиятига инсонпарварлик ва бағрикенглик тамойиллари сингдирилган.

### ҚАРОР ВА ИЖРО

Президентимиз тақдиримизга биндан, шу йилнинг 12 декабрида Олий Мажлис Сенати томонидан қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг йигирма бир йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида”ги

Қарор ҳам ана шундай эзгу мақсадларга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Ушбу ҳужжат нафақат демократик жамиятнинг устувор тамойилларини, балки қадимдан амал қилиб келинаётган миллий қадриятларимиз ҳамда бағрикенглик, мурувват ва инсон-

парварлик каби олий фазилатлар моҳиятини ўзида мутлақ аҳамиятга эга. Қарорда, хусусан, аёллар, жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаганлар, 60 ёшдан ошган эркаклар ва чет давлат фуқароларини жазодан озод қилиш назарда тутилганлигининг ўзиёқ

унинг нақадар бағрикенглик ва инсонпарварлик тамойилларига асосланганлигини кўрсатади. Бош прокуратурада мазкур қарор ижросига бағишлаб ўтказилган идораларо йиғилишда ҳам бу ҳақда алоҳида таъкидланди.

— Амнистия актини қўллашда қонунбузарлик, суиистеъмоликка йўл қўймаслик, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига пуғур етказилмаслигини таъминлаш муҳимдир, — дейди Ички ишлар вазирлиги Хуқуқбузарликларнинг олдини олиш бош бошқармаси бўлим

бошлиғи Тўлқин Ҳошимов. — Шу ўринда ички ишлар идоралари томонидан ушбу ҳужжат ижроси доирасида бир қатор ишлар амалга оширилаётганлигини айтиш зарур. Хусусан, жойларда ички ишлар идоралари томонидан амнистия тўғрисидаги Қарорни қўллаш тартиби ҳақидаги низом, Ички ишлар вазирлиги кўрсатмаси талаблари белгиланган муддатда ижро этилишини таъминлаш юзасидан кенг чора-тадбирлар қўрилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

# ОҚИЛА, МЕҲРИБОН, ТАШАББУСКОР

### хотин-қизлар юрт равнақиға муносиб улуш қўшмоқдалар

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Албатта, бунда Президентимизнинг 2004 йил 25 майда қабул қилинган "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Ўз навбатида, "Йил аёли" танлови хотин-қизларнинг меҳнатини муносиб рағбатлантиришга, айниқса, ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда фаол иштирок этаётган, қалбида мамлакат тақдирига дахлдорлик туйғуси жўш урган, оилада, жамиятда ҳар жиҳатдан ибратли аёлларнинг фаолиятини кенг жамоатчиликка етказишга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Мазкур танловнинг куйи босқичларида ўттиз мингдан зиёд аёллар қамраб олинган бўлиб, унда барча соҳаларда самарали фаолият юритаётган аёлларнинг гоё ва ташаббуслари, оилаларни мустаҳкамлаш, ёшлар маънавиятини юксалтириш, қизларни касб-хунарга йўналтириш, иш ўринлари яратиш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида ижтимоий-маънавий муҳитни яхшилаш, жами-

ятда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш борасида олиб бораётган ишлари афроғлича таҳлил этилди. Танловнинг республика босқичида 14 нафар аёл қатнашди.

— Фахрланиб айтишим керакки, мамлакатимизда биз, аёлларга эътибор, эъзоз, чекиз меҳр кўрсатилаётганини айни чоғда яна бир бора ҳис қилдим, — дейди танлов ғолиби, Андихон вилояти Асака тиббиёт коллежи директорининг ўринбосари, педиатр Наргиза Сатторова. — Бу, албатта, келгусида ёш авлодни соғлом улғайтириш ва тарбиялаш, айниқса, қизларнинг ҳаётда муносиб ўрин эгаллашлариға қўмаклашиш, тадбиркор опасингилларимизни қўллаб-қувватлаш борасидаги изчил саъй-ҳаракатларда қўл келади.

Танловнинг ғолиб ва совриндорлариға диплом ҳамда совғалар топширилди. Санъат усталари ва ёш ижрочилар иштирокидаги концерт дастури кечаға ўзгача файз бағишлади.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э. Боситхонова сўзға чикди.

Этёда АШУРОВА.



Аёли АБДУЛЛАЕВ (ЎЗА) олган сурат.

## Қулай инфратузилма ва тажриба

Мамлакатимиз иқтисодийётини ҳар томонлама тараққий эттириш, шаҳару қишлоқларимизни янада обод қилиш борасидаги ислохотлар якуниға етаётган йилда янги босқичға кўтарилди. Негаки, Президентимиз томонидан 2013 йил 14 февралда имзоланган қарорға мувофиқ қабул қилинган "Обод турмуш йили" Давлат дастури доирасида ижтимоий-иқтисодий соҳаларда қўламини ва қамрови жиҳатидан ниҳоятда улкан ишлар амалға оширилди.

### 2013 ЙИЛ — ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИ

Бунда республикаимизда фаолият кўрсатаётган ҳар бир ташкилот ва муассасанинг салмоқли ҳиссаси борлиғи алоҳида эътиборға молик. Биринча сўғурта компаниялари томонидан қўлга киритилётган ютуқлар шундан далолат беради.

Кеча Ўзбекистон Миллий матбуот марказида "Ўзбекиневест" экспорт-импорт миллий сўғурта компанияси ташаббуси билан ташкил этилган матбуот анжуманида шу ҳақда сўз юритилди. Ушбу тадбирда асосий эътибор Обод турмуш йили давомида бажарилган ишлар, эришилган дастлабки натижалар ва 2014 йилнинг дастуви вазиқларига қаратилди.

— Юртимизда олиб борилаётган ислохотлар, энг аввало, инсон манфаатлариға қаратилганидан келиб чиқиб, биз ҳам сўғурта хизматлари бозорида айни шу масалаға устуворлик бердик, — дейди компания бош директори Камолддин Абдурахимов. — Масалан, ўтган даврда таълим ва ниҳош учун узок мудатли сўғурта турлари жорий қилинди. Натижада жорий йилнинг 11 ойи мобайнида сўғурта мукофотлари 2012 йилнинг шу давридағиға нисбатан 50 фоиз, ишлаб чиқилган сўғурта тўловлари эса 30 фоиз ўсди.

"SAIPRO" агентлиғи маълумотлариға қараганда, маҳаллий сўғурта бозорида "Ўзбекиневест" ЭИМСК бой тажриба ва

кенг қамровли инфратузилмага эға бўлган етакчи компаниялардан бири ҳисобланади. Айни пайтда унинг 110 дан ортиқ худудий бўлиналари томонидан 100 дан зиёд сўғурта хизматлари тақлиф этилмоқда. Шундан 40 таси бево-сита жисмоний шахсларға мўлжаллангани диққатға сазовордир. Пировадиде улар билан тузилган шартномалар 20 фоиз, йилнинг сўғурта хизматлари ҳажми эса 50 фоиз ортди.

Шу билан бирға, компания томонидан обод турмушининг асосий шарти бўлган аҳолининг реал даромадлари ва бандлиғи даражасини оширишда муҳим ўрин тутувчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш максодида ушбу жабҳаға кўрсатилган хизматлар ҳажми 17 фоиз, сўғурта мукофотлари эса 19 фоиз ошди. Анжуманида, шунингдек, компания томонидан келгуси йилда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришға мўлжалланган режалар хусусида ҳам маълумотлар берилди. Унга қўра, Соғлом бола йилида 10 та янги сўғурта маҳсулотини ишлаб чиқиш, жойларда 25 та сўғурта хизматлари бўлинимаси, шунча сўғурта пунктини очиш, тармоқни 210 нафар агент ҳисобига янада кенгайтириш кўзда тутилмоқда.

Саид РАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

### ХУҚУҚИЙ ЭКСПЕРИМЕНТ

Президентимизнинг 2013 йил 20 мартдаги "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиғи тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасини қонунли лойиҳаси синови бўйича хуқуқий эксперимент ўтказиш ҳақида"ги Фармойиши асосида Самарқанд ва Бухоро вилоятларида хуқуқий тажриба якуниға етмоқда. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси доирасида тайёрланган ҳамда катта ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эға бўлган мазкур қонун лойиҳаси жамоатчилик ўртасида кенг амалий муҳомададан ўтказилди.

— Хуқуқий экспериментнинг иккинчи босқичи ҳам ниҳоясига етди. Мазкур давр мобайнида амалға оширилган ташкилий-хуқуқий чора-тадбирлар натижалари ҳақида тўхталиб ўтсангиз.

— Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 20 мартдаги Фармойишиға асосан, Бухоро ва Самарқанд вилоятлари давлат ҳокимияти органлари негизида ўтказилаётган хуқуқий экспериментнинг асосий — иккинчи босқичи ниҳоясига етди. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, жорий йилнинг март — апрель ойларида биринчи, тайёргарлик кўриш босқичи жараёнида экспериментнинг ташкилий-хуқуқий базаси тайёрланиб, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг қонун лойиҳаси нормаларида белгиланган очиклик режимида фаолият кўрсатишға доир тартиб-қоидалар мустаҳкамлаб олинди. Бундан ташқари, жамоатчилик, оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари экспериментнинг вазифалари, максоди, тартиби ва бошланғич ҳақида хабардор этилди.

Май — ноябрь ойлариға мўлжалланган иккинчи босқичида эса асосий эътибор маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда бошқаруви органларининг фаолиятини таъминлашнинг қонун лойиҳасида назарда тутилган шакллари ва усуллари амалиётда синовдан ўтказилиб, маромига етказиб олинди.

Хуқуқий экспериментнинг иккинчи босқичида Бухоро вилоятидағи 89 та, Самарқанд вилоятидағи 91 давлат органида "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари

## Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиғи

### демократик ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг муҳим шарти

фаолиятининг очиклиғи тўғрисида"ги қонун лойиҳасининг принциплари, қоидалари амалиётда ишловдан ўтказилиб, унинг ҳокимият субъектлари ҳамда бошқаруви тузилмалари фаолиятининг очиклиғини таъминлашға доир нормалари самарадорлиғини баҳолаш максодида аниқ, тизимли саъй-ҳаракатлар амалға оширилди.

— Қонун лойиҳасида ахборотдан фойдаланувчи ва унинг хуқуқлари белгилаб берилган. Эксперимент давомида бу қоидаларни рўёбға чиқаришда нималарға эришилди? Синов жараёнида учраётган камчиликларни бартараф этишға қаратилган қандай механизмлар ишлаб чиқилди?

— Ахборотдан фойдаланувчилар давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисида ҳаққоний ахборотни олиш ёки ахборотни олишдан бош тортиш, ахборотдан фойдалана олиш ҳуқуқини ва уни амалға оширишнинг белгиланган тартибини бузувчи давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ҳужжатлари ва (ёки) улар мансабдор шахсларининг хат-ти-ҳаракатлари (ҳаракат қилмасликлари) устидан белгиланган тартибда, шу жумладан, юқори турувчи органларға шикоят қилиш ҳуқуқига эға эканликлари қонун лойиҳасида ўз аксини топган. Ушбу норма

амалиётда қўллаб кўрилиши жараёнида ижобий самара берди, дейиш мумкин. Хусусан, фойдаланувчилар давлат органлари ваколатли мансабдор шахсларининг чиқарилган, давлат тузилмаларининг ахборот хизматлари, уларнинг расмий веб-сайтлари ҳамда оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган материаллар орқали ўзларини учун зарур бўлган ахборотларға ҳеч қандай монеликсиз эға бўлиб боришмоқда.

Таъкидлаш жоизки, хуқуқий тажриба бошланган дастлабки пайтларда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг аксарияти ўз ахборот хизматлариға эға эмас эди. Уларнинг расмий веб-сайтлари ҳам шакланмаган, мавжудлари эса бугунги тезкор давр талабларига жавоб бермасди. Мансабдор шахсларнинг чиқилари камдан-кам учради. Натижада фуқароларнинг ахборот олиш, ундан фойдаланишға бўлган ҳуқуқларини тўлиқ таъминлашда маълум камчиликлар юзға келганди. Ана шу муаммони зудлик билан бартараф этиш чоралари кўрилиши тўғрисида бугунги кунға келиб, Самарқанд вилоятида хуқуқий экспериментда қатнашаётган 91 субъектдан 58 таси интернет тармоғида расмий веб-сайтлари, 26 та субъект эса юқори турувчи ташкилотларнинг веб-сайтлари таркибида ўз веб-саҳифаларини ташкил қилган. Бухоро вилоятидағи 89 та субъектдан 47 таси ўз

расмий веб-сайти, 36 та субъект эса юқори турувчи ташкилотларнинг веб-сайтлари таркибида ўз веб-саҳифалари фаолиятини йўлга қўйган. Айниқса, Самарқанд ва Бухоро вилоятлари ҳокимликларининг веб-порталлари ўз ахборот фаолиятини самарали амалға оширмоқда, дейиш мумкин.

— Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисидаги ахборот манбалари ушбу жараёнда қай даражада фаол иштирок этаётти?

— Бу борада ҳам хуқуқий эксперимент субъектлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқаролар ва оммавий ахборот воситалари билан таъминланган

назарий қисмини компьютерлаштирилган дастур ёрдамида ўзлаштирилган, кейинчалик ўз қўнимчаларини дала машғулотларида амалий жиҳатдан мустаҳкамлайдилар. Шунингдек, тренажёрлар билан жиҳозланган спорт мажмуи ҳам улар ихтиёрида.

Бўлажак кичик командирларнинг дарсдан бўш вақтларини мазмунли ташкил этишға ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Замонавий кутубхона Президентимиз асарлари, ҳарбий соҳага оид китоблар, бадий адабиётлар билан таъминланган.

— Мактабимиздаги шарт-шароитлар, ҳақиқатан ҳам, ҳавас қилишға арзийди, — дейди бўлғуси кичик командир Комил Ражабов. — Кўргазмали воситалар билан таъминланган

кўрик-танловлар ҳамда спорт мусобақаларида доимо муваффақиятли иштирок этиб келмоқда. Хусусан, бир неча бор "Энг илгор сержантлар тайёрлаш мактаби" деб топилган. Шунингдек, "Энг илгор мутахассис", "Отам, онам ва мен — спортчилар оиласи" мусобақаларида таълим муассасаси вакиллари муносиб қатнашмоқда.

— Айтиш мумкинки, хуқуқий эксперимент шарофати билан бир томондан, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиғи таъминланаётган бўлса, иккинчи томондан, оммавий ахборот воситалари фаолияти ҳам ўзига ҳос жонлиниш яққол намён бўлмоқда. Тахлиллар шуни кўрсатмоқдаки, айниқса, маҳаллий босма ва электрон нашрларда жамият ҳаётининг ҳозирги долзарб масалаларига дахлдор танқидий-таҳлилий материаллар сонини қўлайган. Мавжуд муаммоларнинг ечимини топиш юза-

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Амнистия тўғрисидаги Қарор қўлланиши устидан жамоатчилик назоратини ва уни қўллаш тартиб-таомилларининг ошқоралиғини таъминлаш долзарб аҳамиятга эға. Бу борада мутасадди идоралар ҳамкорлигини янада кучайтириш айни муқоабидир. — Мазкур Қарорға маҳкумни ёки жиноят содир этган шахсини жазодан озод этишни кўзда тутувчи ҳужжат сифатидаги қарамаслик керак, — дейди Бош прокуратура бош-

қўрилди. Бунда прокуратура, суд, ички ишлар идоралари, соғлиқни сақлаш муассасалари, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва фуқаролар йиғинларининг ўзаро ҳамкорлиғи қўл келмоқда.

Кунини кеча ушбу Қарор ижроси доирасида Зағиота туманида жойлашган аёллар колониясида амнистия акти қўлланилган шахсларни озодликка чиқаришға бағишланган тадбир ўтказилди. Унда Қарор ижросига масъул идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, ота-она-

## Юксак инсонпарварлик ифодаси

қарма бошлиғи Эрқабой Тожиёв. — Эеро, унда жазодан озод этилган шахсларнинг ҳаётда ўз ўрнини топишлари учун шарт-шароитлар яратиш ҳам белгилаб берилган. Шундан келиб чиқиб, жазодан озод этилган шахсларнинг ижтимоий кўникмаси ва ҳимоясига оид вазифаларни ўз вақтида, самарали бажариш мақсадида жойларда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари билан иборат худудий комиссиялар тузилди. Ижро жараёнида улар озодликка чиққан шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича кенг қўламли ишларни амалға оширади.

Бундан ташқари, амнистия тўғрисидаги Қарорнинг очик ва ошқора қўлланиши юзасидан жамоатчилик назоратини таъминлаш мақсадида сенаторлар, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатлари, Омбудсманнинг минтақавий вакиллари билан иборат ишчи гуруҳлар ташкил этилди. Ҳозирги кунда бу гуруҳлар аъзолари жазони ижро этиш муассасаларида бўлиб, маҳкумлар билан суҳбатлашмоқда. Уларнинг шахсий йиғмажидлари билан танишиш, суриштирув, дастлабки тергов органлари юритувидаги терговга ўтказилган текширув материаллари ва ниҳоят ишлари билан танишиш, озод қилинган шахслар билан олиб борилаётган ишларни мониторинг қилиш ва бу жараёни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритишни таъминлаш билан боғлиқ қўллаб-қувватлаш ҳам рўёбға чиқарилапти.

Умуман, Қарордан келиб чиққан ҳолда, жазодан озод қилинаётган шахслар ижтимоий моллашуви ҳамда ҳимоясига қаратилган ишлар олиб боришмоқда. Шу пайтга қадар озодликка чиққан шахсларға моддий ёрдам кўрсатиш, уларни ишга жойлаштириш, ёлғиз, ёрдамға муҳтож шахсларни ногиронлар ва қариялар уйлариға жойлаштириш, воғна етмаганларни ота-оналар, ҳоимлик ва васийлик органлариға топшириш, зарур ҳолларда таълим муассасаларига юбориш билан боғлиқ чоралар

лар ҳамда ОАВ вакиллари қатнашди.

Иштирокчилар эътироф этишганидек, қоқилгани суяш, керак бўлса, унга қўлдан келганича яхшилик қилиш, умуман, халқимизға хос бағрикенглик ва инсонпарварлик тамойиллари юртимизда амалға оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар ҳомиятини ташкил этади. Мазкур муассасадан 11 нафар хотин-қизнинг қадрдон оиласи бағриға қайтарилгани мисолида ҳам буни яққол кўриш мумкин.

— Бунчалик олижаноблик дунёнинг бирор бир жойида йўқ, — дейди Г. Асқарова. — Президентимизнинг бағрикенглиғи ва кеңиричилиғи тўғрисида муқаддатдан олдин жазодан озод бўлганимдан қаттиқ ҳаждондаман. Ўйлаб кўринг, 5,5 йилға озодликдан маҳрум қилингандин, амнистия тўғрисида 7 ойда оилам бағриға қайтаппман. 2 нафар фарзандим бор, уларни роса соғинганман. Шуларни ўйла-сам, қалбим тубида чуқур миннатдорлик хислари жўш уради. Бундан кейин, албатта, юртимиз, халқимиз наф келтирадиган инсон бўлишға астойдил ҳаракат қиламан.

— Ўн саккиз ёшдаман, ўйламай босилган биргина қадам сабабли бу ерга келиб қолдим, — дейди У. Байбақова. — Агар амнистия бўлмаганда ёлғизим ҳам, бу давр билан боғлиқ имкониятларим ҳам бўй берилиши мумкин эди. Давлатимизнинг юксак инсонпарварлик сиваси боис бу имкониятлар ўзимға қайтариб берилди. Энди бундан оқилана фойдаланаман. Бирор хунари пухта эгаллаб, унинг орқасидан оиламға, Ватанамға фойда келтириш учун бор куч-гайратимни аямайман.

"Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йиғирма бир йиллиғи муносабати билан амнистия тўғрисида"ги Қарор ижроси жойларда ушқоқлик билан давом эттирилмоқда.

Зокир ХУДОШШУҚРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

сидан мутасадди давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг маъсулиятини оширишға қаратилган материаллар, ўз навбатида, мазкур идораларнинг эътиборидан четда қолмаётгани ва ўз вақтида тегишли хулосалар қилинаётгани қувонарли ҳолдир.

— Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотни тақдим этиш тўғрисида сўров ҳамда унга қўйилган талаблар қонун лойиҳасида кўрсатиб ўтилган. Эксперимент даврида фуқаролардан келиб тушган сўровлар сониде ва уларға жавоб қайтариш сифатида қандай ўзгаришлар кузатилади?

— Тахлилларға мурожаат қиладиган бўлсак, эксперимент ўтказиш жараёнида Самарқанд вилояти бўйича жами 2836 та, Бухоро вилояти бўйича 1513 та сўров рўйхатға олинган. Уларнинг 91 фоизи қаноатлантирилган бўлиб, қолган сўровларни ҳам ижобий ҳал этиш чоралари кўрилумоқда. Албатта, ахборотдан фойдаланувчиларнинг сўровлари жиҳиди равишда қўлайланғич ўтказилаётган экспериментнинг ижобий самараси бўлиб, бу фуқароларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятиға нисбатан ишончи янада ошганидандалолатдир.

Қонун лойиҳасида ахборотдан фойдаланувчиларнинг сўровлари билан, агар бошқаси қонун ҳужжатларида кўзда тутилган бўлса, рўйхатға олинган кундан бошлаб ўн беш кундан кечиктирилмаган мuddат ичида кўриб чиқилиши лозимлиғи белгиланган. Оммавий ахборот воситасининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотни олиш, шунингдек мансабдор шахсларнинг интервью беришларини ташкил қилиш тўғрисидаги сўровиға эса етти кундан ошмайдиған мuddатда жавоб қайтарилиши керак. Амалиётда шу маълум бўлмоқдаки, фуқаролар, нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтларининг сўровлариға давлат органлари томонидан етти-ўн кун ичида, оммавий ахборот воситалариға эса икки-уч кун мобайнида тегишли жавоблар қайтарилмоқда. Шундан келиб чиқиб, қонун лойиҳасиға сўровларға жавоб бериш мuddатларини қисқартириш бўйича тақрирлар билдириляпти.

Буларнинг барчаси, ўз навбатида, қонун лойиҳасини тақомиллаштириш бўйича ҳаётнинг реал талабларига ўйин, асосли тавсиялар ишлаб чиқишға хизмат қилади.

Саиджон МАХСУМОВ сўхбатлашди.

ТАҲЛИЛ

Обод турмуш йилининг ўтган 9 ойи мобайнида Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот 8,1 фоиз, жумладан, sanoat маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 9,4 фоиз ўсди. Бу, албатта, мамлакатни ислоҳ қилиш ва модернизациялашнинг чуқур ўйланган ҳамда аниқ мақсадга йўналтирилган дастури тизимли ва изчил амалга оширилгани самарасидир. Мисол учун, Марғилон шаҳри sanoat салоҳиятини ошириш дастури ижросини таҳлил қилиб кўрайлик.

Ушбу дастур энгил sanoat, чарм-пойабзал, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш соҳаларини қамраб олган бўлиб, унга кўра, 42 та истикболли лойиҳа ишлаб чиқилган эди. Жорий йилнинг ўтган даврида улардан 38 таси ҳаётга таъбиқ этилди. Натигада 667 та иш ўрни ташкил қилиниб, янги корхоналарда йилга қиймати 25 миллион АҚШ долларидан зиёд маҳсулот тайёрлаш қувватлари ишга туширилди.

Таъкидлаш жоизки, sanoat тизими салоҳиятини бу даражада юксалтиришда Президентимизнинг халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгашининг 2012 йил 14 декабрдаги навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқи дастуриламал бўлиб хизмат қилди, — дейди шаҳар иқтисодиёт бўлими раҳбари Нурмухаммад Раҳмонов. — Гап шундаки, мазкур сессияда давлатимиз раҳбари сервис хизмати кўламини кенгайтириш, сифатини ошириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш замон талаби эканлигини қайд этган эди. Шунинг эътиборига олиб, бошқа соҳалар қато-

# Ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш

рақобатбардош маҳсулотларнинг кўпайишида муҳим аҳамият касб этади

рида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирларини кўрайимиз. Пировардида ушбу йўналишда 38 та корхона барпо қилинди. Уларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида эса тижорат банклари томонидан 12 миллиард сўмдан зиёд кредитлар ажратилди.

Марғилонда ишлаб чиқарувчилар фаолиятини рағбатлантириш, улар томонидан тайёрланган маҳсулотларнинг ташқи ва ички бозордаги рақобатбардошлигини ошириш юзасидан ҳам тизимли чора-тадбирлар кўрилатганини диққатга сазовордир. Бу эса экспортнинг умумий ҳажмида маҳаллий корхоналарнинг улуши ортишини таъминлапти. Агар тез орада "Муҳаммад Салом Омينا",

"Рўзибоев Муҳаммад Расул", "Ислоҳ Нон", "Моҳим Акбар борака", "Мафтунокор бахт юлдузи" хусусий корхоналарида маҳсулотларни хорижий буюртмачиларга жўнатиш борасидаги ишлар якунланса, экспорт ҳажми янада кўпайиши турган гап.

Ёки бошқа бир далил. "Нью ленд текс" қўшма корхонаси бир неча йиллардан бери фаолият кўрсатмаётган эди. "Нарм текс" масъулияти чекланган жамияти уни биржа савдосида сотиб олиб, ишлаб чиқаришни кенгайтириш, корхонани замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлаш, модернизация қилиш ишларини ўз зиммасига олди. 2013 — 2015 йилларда шаҳар sanoat тининг салоҳиятини ривожланти-

риш дастурига мувофиқ, бу мақсадларга жамият томонидан 150 минг доллар миқдорда маблағ сарфланди. Хорижий давлатлардан энг сўнгги русумдаги замонавий тикув машиналари ва дастгоҳлар келтирилиб, 20 та иш ўрни яратилди. Бугунги кунда

"Алоҳида гўшт маҳсулотлари" масъулияти чекланган жамиятини модернизация қилиш учун эса салкам 120 минг доллар миқдорда маблағ йўналтирилган, у йилига 250 тонна гўштни қайта ишлаш қувватига эга бўлди. Муҳим, коллежларнинг битирувчиларидан 5 нафари ишга қабул қилинди.

Бундан ташқари, белгиланган дастурга кўра, "Экспо коллор прин текс" хусусий корхонасида 5,5 миллион АҚШ доллари миқдордаги инвестицияни ўзлаштириш кўзда тутилган эди. Келгуси йилда ишга туширилиши мўлжалланаётган янги корхонада айни пайтда замонавий дастгоҳларни олиб келиш, бинони таъмирлаш ишлари жадал олиб борилаяпти. Бу юмушлар ниҳоясига етказилган, корхона юқори сифатли ип ишлаб чиқариш қувватига эга бўлиш билан бирга, 65 нафар киши ишга жалб этилади.

Қисқача айтганда, Марғилонда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш шарофати туфайли 14 та маҳаллий ишлаб чиқарувчи ва 5 та энгил sanoat корхонаси томонидан тайёрланаётган маҳсулотларни экспортга чиқаришга эришилди. Жорий йилнинг ўтган даврида эса уларнинг сафига яна бешта хўжалик юритувчи субъект қўшилди. Бунинг самараси ўлароқ, ўтган даврда шаҳар бўйича хорижий буюртмачиларга 4,6 миллион долларлик маҳсулот жўнатилади. Шаҳарни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, иқтисодиётнинг барқарор ишлашини таъминлаш мақсадларига қаратилган ишлар эса изчил давом эттирилмоқда.

Набижон СОБИРОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

## ЖАҲОН 24 соат ичида

АҚШ иқтисодиёти кутилганидан ҳам тезроқ тикланмоқда, дейилади "Евроньюс" телеканали хабарида.

### Кутилганидан тезроқ

Хусусан, жорий йилнинг учинчи чорагида ялпи ички маҳсулот ҳажми аввал тахмин қилинган 3,6 фоиз ўрнига 4,1 фоиз ўсди. Бу сўнгги икки йил ичида қайд этилган энг юқори кўрсаткичдир.

Бундан ташқари, мамлакатда истеъмол даражаси ҳам ижобий томонга ўзгарган. Яъни ушбу даврда компаниялар ва аҳоли томонидан қилинган харажатлар тегишли



равишда 4,8 ҳамда 2 фоиз ошган.

Эндilikда аксарият экспертларни яқинда поёнига етадиган тўртинчи чорада бу рақамлар яна неча фоизга ўсиши кизиқтирмоқда.

## Тошқин келтирган талафотлар

Бразилиянинг Эспириту-Санту штатида тинимсиз ёққан ёмғир сув тошқинларини келтириб чиқарди.

Оқибатда олти киши ҳаётдан кўз юмган, яна 46 минг нафар маҳаллий аҳоли тураржойини вақтинча ташлаб кетишга мажбур бўлган. Бундан ташқари, табиий офат туфайли штатнинг қишлоқ хўжалигига ҳам жиддий зарар етиб, жуда катта майдондаги кофе плантациялари сув остида қолган.

Метеорологлар декабрда мазкур штатда сўнгги тўқсон йил ичида энг кўп ёгингарчилик бўлганини маълум қилишди. Хусусан, ой бошидан бери бу ерда 700 миллиметр миқдорда ёгингарчилик қайд этилган. Бу одатдаги меъёрдан 2,5 баробар кўпдир.

Ёгингарчиликлардан қўшни Минас-Жерайс штатида ҳам талафотлар кузатилгани айтилмоқда. Бу ерда юз берган кўчкилар ва сув тошқинлари оқибатида тўрт киши ҳалок бўлган, беш минг нафар одам бошпанасиз қолган.



плантациялари сув остида қолган.

## Радиация хавфи йўқ

Францияда ядро қолдиқларини олиб кетаётган поезд изидан чиқиб кетди.

Воқеа Париждан қарийб ўн километр узоқликда жойлашган Дранси станциясида юз берган. Ушбу кўнгилсизлик сабабли маҳаллий аҳоли ўртасида саросима келиб чиқди. Хукумат эса фуқароларни ташвишга тушмас-

ликка чақириб, радиация хавфи йўқлигини билдирди. Чунки ўша пайтда поезд жуда секин ҳаракатланаётган бўлиб, у изидан чиқиб кетганда вагонларга зарар етмаган. Хозирча фалокат сабаблари маълум эмас.

## Ғалати ўғирлик

Англияда ғалати ўғирлик содир этилди. Мамлакатнинг Оксфорд шаҳридаги "Oxford Retail Park" дўконига Санта Клаус кийимидagi қуролланган шахс бостириб кириб, сотувчидан сейфдаги пулларни беришни талаб қилган.

Кейин у велосипедда воқеа жойидан жуфтани ростлаган. Манбада жиноятчи қанча миқдорда маблағни ўмаргани ҳақида маълумот йўқ.

Хуқуқ-тартибот идоралари сотувчининг кўрсатмасига асосан жиноятчини қидирмоқда.



Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

## «КАМАЛАК ЮЛДУЗЛАРИ»

Наманган шаҳрида "Камолот" ЁИХ, Халқ таълими ҳамда Маданият ва спорт ишлари вазирликлари ҳамкорлигида ташкил этилган "Камалак юлдузлари" республика болалар ижодиёти фестивалининг минтақавий босқичида Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятлари вакиллари ўзаро беллашди.

## Санъат ва гўзаллик фестивали

Тошошлар мумтоз, вокал, миллий чолғу, рақс, тасвирий ва амалий санъат, наср ҳамда назм йўналишлари бўйича қизгин бахслар гувоҳи бўлишди. Шунингдек, тадбир доирасида ёш рассомлар ва хунармандлар кўргазмаси, санъат намояндалари иштирокида маҳорат машғулотлари уюштирилди.

Ҳаёти мавзуларидаги шеърларим ҳакамлар ҳайъати томонидан назм йўналиши бўйича юқори баҳолангани бундан кейинги интилишларимга қанот бағишлайди.

Шу куни 19 нафар ўғил-қизнинг ижодий иш ва чиқишлари алоҳида эътироф этилди. Фестиваль якунида голиб ҳамда совриндорларга ташкилотчиларнинг диплом ва эсдалик совғалари топширилди. Тадбир таниқли санъат усталари ҳамда хаваскор ёшлар иштирокидаги гала-концерт билан ниҳоясига етди.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2013 йил 24 декабрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, бошқона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўма нисбатан кўйидаги қийматини белгилади:\*)

1 Австралия доллари	1965,64	1 Россия рубли	66,77
1 Англия фунт стерлинги	3599,19	1 Украина гривнаси	275,51
1 Дания кронаси	403,74	1 Малайзия рингити	668,64
1 БАА дирҳами	599,57	1 Польша злотийси	724,42
1 АҚШ доллари	2202,15	1 СДР	3379,64
1 Миср фунти	319,75	1 Туркия лираси	1054,97
1 Исландия кронаси	18,93	1 Швейцария франки	2458,31
1 Канада доллари	2068,91	1 евро	3028,91
1 Ҳитой юани	362,73	10 Жанубий Корея вони	20,76
		10 Япония йенаси	211,64

\*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмасан.

## Реклама ва эълонлар

«ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ» МИЛЛИЙ АВИАКОМПАНИЯСИ ЯНГИ ЙЎНАЛИШЛАР ОЧМОҚДА!

**TOHKEHT – BOЛГOГPAД – TOHKEHT**  
ҳар ҳафтанинг чоршанба кунлари

**YРГАНЧ – BOЛГOГPAД – YРГАНЧ**  
ҳар ҳафтанинг шанба кунлари

Сертификат № СЭ1-О

+99871 140-02-00  
www.uzairways.com

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» — хавфсизлик, барқарорлик, қулайлик!

**POS-ТИЗИМЛАРИ АВТОМАТЛАШТИРИШ**

**Micros**  
Ўзбекистондаги расмий ҳамкор

Штрих-код сканерлари, Чеклар принтери, Кассир иш жойи, Моноблоклар, Харидор дисплей, Тарозилар

**ЖИҲOЗ EТКАЗИБ BEPИШ BA АВТОМАТЛАШТИРИШ:**

- савдо жойлари (магазинлар/супермаркетлар);
- бутик, ноозик-овқат маҳсулотлари савдоси;
- ресторанлар, кафе, барлар;
- фитнес-клублар, бильярдхоналар, боулинг ва бошқалар.

Моноблоклар, кассалар, штрих-код сканерлари, чеклар принтерлари, савдо тарозилари.

Дастурий таъминот: Atol, Microinvest, Айтида. Автоматлаштириш «калити билан».

- Кичик Бешёғоч к., 86 (олдинги шаҳар ГАИси қаршисида), тел.: (+998 71) 200-34-34 (қўш. 850, 858), факс: 281-43-65.

www.micros.uz; e-mail: scales@ucd.uz, micros@ucd.uz

**МЧЖ «KRANTAS»** шартнома асосида ишлаб чиқаради ва сотади

**БЕНЗОВОЗ**  
«SUZU», «KamAZ» шассисида

**АВТОЦИСТЕРНАЛАР-ВОДОВОЗ**  
«SUZU», «KamAZ» шассисида

**ВАХТА УЧУН АВТОБУС**  
«KamAZ» шассисида (6x6) 20-24 одамга

**СУВ СЕПАДИГАН МАШИНА**  
«SUZU», «KamAZ» шассисида

КАФОЛАТ 1 ЙИЛ

(8-371) 262-63-45, т/ф 262-23-61, (+99890) 187-52-05, (+99890) 808-88-17. www.ttemz-kran.uz

**ООО «CRANES & SPECIAL TRUCKS»** ишлаб чиқаради ва сотади

**АВТОКРАНЛАР** юк кўтариши 16 т., 25 т., 32 т., 50 т.

**САМОСВАЛЛАР** «HOWO SINCRUCK» шассисида, юк кўтариши 20 т., 5 т.

**КРАНМАНИПУЛЯТОРЛАР** «SUZU», «KamAZ» шассисида, юк кўтариши 2,6 т., 5,3 т.

Телефонлар: (8-371) 262-63-45, тел./факс: 262-23-61, (+99890) 187-52-05, (+99890) 808-88-17. www.ttemz-kran.uz

«Давоми. Бошланиши 1-бетда».

Айни пайтда Андижонда 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган 67 миң нафар киз спорт билан мунтазам шуғулланмоқда. Уларнинг 59 миң нафари қишлоқ қизларидир. Айниқса, Асака, Балиқчи, Улутнор, Пахтабод, Жалақудук, Марҳамат, Қўрғонтепа туманлари, Андижон ва Хонобод шаҳарларида бадий гимнастика, сузиш, синхрон сузиш, қўл тўпи, волейбол, стол тенниси каби спорт турларига меҳр қўйган ёшлар жуда кўп.

Шу ўринда вилоят халқ таълими бошқармаси тасарруфидаги олимпия заҳиралари болалар ва ўсмирлар гимнастика спорт мактабидаги эзгу ишлар хусусида алоҳида тўхталиб ўтсак.

— Бу ерда 580 нафардан ортиқ ёшлар бадий гимнастика, спорт гимнастикаси, акробатика, трамполин бўйича ўз билим ва маҳоратларини ошироқдалар, — дейди мактаб директори Насибулло Мадрохимов. — Хореография, ёпиқ спорт заллари, ёзи майдон ҳамда сузиш ҳавзаси тарбияланувчиларимизни яқинлаштиради. Таълим муассасамиз 2010 йилда капитал реконструкция қилинган, янги бадий гимнастика зали ва матмурий бинога эга бўлди. Кийинчи, ювенил, тиббиёт хоналари ташкил этилиб, зарур жиҳозлар билан таъминланди. Қисқаси, машгулотларни юқори савияда ўтказиш учун барча имкониятлар яратилди. Бундан мураббайларимиз ҳам, тарбияланувчиларимиз ҳам бирдек хурсанд. Айниқса, ота-оналарнинг қувончини айтмайсизми?!

— Бадий гимнастика қизларнинг гўзал ва соғлом бўлиб улгайишига катта ёрдам беради, уларни назорат билан ҳаракатланишига ўргатади, мусулкага бўлган қизиқчини ошириб, маънавий оламини бойлатади, — дейди мактабнинг бадий гимнастика бўйича катта мураббайи Мавлуда Ҳамидова. — Ана шу жиҳатларни ота-оналар чуқур англаб етатиётганликлари тўғрисида ҳам йилдан-йилга машгулотларимизга қатнаётган қизлар сафи тобора кенгайиб бораёпти. Айтайлик, бундан икки йил аввал мактабимизда 200 нафарга яқин киз спортнинг нафис тури билан шуғулланган бўлса, ўтган йили уларнинг сони 300 нафарга, жорий йилда эса 400 нафарга етди. Тарбияланувчиларимиз вилоят биринчиликлари, шунингдек, республика турнирларида доимо фаол иштирок этиб келишди. Уларнинг ҳар бири ўзига хос истеъдодга эга. Умид қиламизки, қизларимиз келгусида катта ва жаҳон чемпионатларида ҳам қатнашиб, голиблар сафида бўлишди.

— Икки йилдан буён гимнастика билан шуғулланман, — дейди Ойгул Машираббекова. — Машгулот жойимиз кенг, шуғулланиш учун жуда қулай. Спорт инвентарлари-

миз шунақам кўпки... Ҳаммаси эъру. Астойдил машқ қилаётман. Насиб этса, меням бир кун телевизорда кўрсатишди. Ушанда қўлимни кўтариб, "Ойжон, мен чемпион бўлдим", дейман.

Жажжигина Ойгулнинг ўзига бўлган ишончидан хайратга тушди. Қўзи қанчаб турган бу киз худди ўзи каби халқимизнинг минглаб эрка, аммо қайратли ва интилувчан тенгдошлари орзуларини ифодалади, гўё.

матказина совриндорлар қаторидан жой олди. Беғзода Шокирова, Камила Мамаразакова, Дилдора Курбонова, Фарида Мўминжонова каби ёшлар ҳам ана шундай муваффақиятларга эришяётган иқтидорлардир.

— Коллежимизда синхрон сузиш бўйича 50 нафардан ортиқ киз шуғулланади, — дейди мураббай Гўлмира Усмонова. — Улардан 5 нафари спорт устаси, 7 нафари спорт усталигига номзод. 2012 йилда вилоятимиз марказидаги "Ёшлар" спорт мажмуасида

дий-техник база муҳим аҳамият касб этаётди. Хусусан, универсал спорт манежи, унга туташ бокс, оғир атлетика, кураш, тренажёр заллари, 20 миң томошабинни ўз бағрига сиғдира оладиган стадион, 2 та сузиш ҳавзаси, 12 та спорт майдончаси, тиббий бўлим ва бошқа иншоотлар ёшлар маҳоратини сайқаллаштиришга хизмат қилаёпти.

— Бугунги авлоднинг бахти тўқис, — дейди коллеж директорининг спорт ишлари бўйича ўринбосари, Ўзбекистон Республикасида

лаб ўқувчини қамраб олган бокс тўғраклари ишлаб турибди. Демак, яқин орада янги номлар баралла янграб қолиши аниқ. 2010 йилда Президентимиз Андижонга қилган сафари чоғида вилоят марказининг Шўрбулоқ даҳасида бунёд этилган, халқаро талабларга жавоб берадиган замонавий спорт мажмуаси фаолияти билан яқиндан танишиб, ўларнинг қимматли тақдирларини берган эдилар. Шундан сўнг давлатимиз раҳбарининг "Андижон шахри-



Мактаб-интернат раҳбариятининг айтишича, таълим даргоҳининг тўққиз нафар футболчиси турли ёшдаги миллий терма жамоаларимизга номзод сифатида киритилди.

Вилоятда анча оммалашган теннис, стол тенниси, қўл тўпи, волейбол, баскетбол, қўлчиқболикдаги ютуқлар ҳақида ҳам узоқ гапириш мумкин. Аммо Андижон спортни, унинг муваффақиятларини битта мақолада ифодаланиш имкони йўқ. Чунки амалга оширилаётган эзгу ишлар, эришилаётган натижалар салмоғи жуда катта. Фақат шу йилнинг ўзида вилоятда 8 нафар халқаро спорт устаси, 62 нафар спорт устаси, 276 нафар спорт усталигига номзод этилиб чиққан, республика ва халқаро миқёсдаги мусобақаларда андижонлик йигит-қизлар 579 та олтин, 596 та кумуш ва 633 та бронза медални қўлга киритганининг ўзи кўп нарса аниқлатади. Бунда эркин курашчилар Маҳмуд Шавактов, Умиджон Исманов, оғир атлетикачилар Махмурбек Йўлдошев, Манзура Мамасолиева, боксчилар Ҳасанбой Дўстматов, Азизбек Абдуғафуров, Жасурбек Латипов, Мирзохид Абдуллаев, шакачи Зебинисо Мамасолиева каби ўнлаб спортчиларнинг алоҳида хиссаси бор.

Андижон ёшлари 2014 йил — Соғлом бола йилга улкан орзулар билан қадам қўйишмоқда. Ҳар бирининг дилида шу азиз Ватан довуриғи бундан-да юксакларга кўтариши, элга муносиб фарзанд бўлиши истаги муҳассам. Ана шундай эзгу ниятларнинг бекаму кўст рўёбга чиқишига биз ҳам тилакдошимиз.

Шавкат ОРТИҚОВ, Саидхон ШУКУРОВ, «Халқ сўзи» мухбирлари. Шоҳмурот ШАРАПОВ олган суратлар.

# СОҒЛОМ АВЛОД — СОҒЛОМ КЕЛАЖАК



Андижонда қизлар ўртасида оммалашаётган яна бир спорт тури, бу — синхрон сузиш. Андижон олимпия заҳиралари коллежиде мазкур йўналиш 2005 йилда ташкил этилган бўлиб, вилоят синхрончилари Ўзбекистон чемпионатлари ва халқаро турнирларда мунтазам иштирок этиб келишди. Эришяётган натижалари ҳам айтишга арзишлик. Биргина жорий йил мисолида оладиган бўлса, Ўзбекистон кубоғи ҳамда мамлакат чемпионатида 80 дан ортиқ медал жамғариб, ҳар икки мусобақада ҳам умумжамоа ҳисобиде иккинчи ўринни эгаллашди. Бундан ташқари, яқинда бўлиб ўтган Малайзия очиқ чемпионатининг жүдфлик баҳсларида Дилрабо Аҳмедова ва Алимира Ма-

олимпия заҳиралари болалар ва ўсмирлар спорт мактабларини очилиши синхрон сузиш янада оммалаштиришда муҳим аҳамият касб этди. Бу ерда 6-14 ёшли қизлар ушбу аjoyиб спорт тури билан мунтазам шуғулланишмоқда.

Мазкур таълим даргоҳида фақат сув спортни бўйича муваффақиятлар қўлга киритилапти, десак, нотўғри бўлади. Чунки коллеж мамлакатимиз терма жамоаларига бокс, қўл тўпи, енгил ва оғир атлетика, эркин, юнон-рум кураши, стол тенниси, камондан ўқ отиш ва бошқа ўнлаб спорт турлари бўйича муносиб номзодларни тайёрлаб бермоқда. Ана шундай истеъдодларни тарбиялашда таълим муассасасидаги мустаҳкам мод-

публикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббайи Мирзо-Улугбек Убайдуллаев. — Бизнинг давримизда бундай шарт-шароитлар каярда эди, дейсиз?! Мусобақага йўл олганларимиз жуда борса, Тошкент шахригача борарди. Буям ҳақиқат. Шунинг учун кўп истеъдодлар кашф этилмай қолиб кетган. Энди-чи?! Ҳаммаси яхши томонга ўзгарди. Йигит-қизларимиз, бир қарасанг, Мексика, бир қарасанг, Франция ёки Англия, Япония ёхуд Малайзия, қўйингки, дунёнинг исталган бурчагида ташкил этилаётган мусобақаларга боришяпти. Мустақил Ўзбекистон вакили сифатида қатнашиб, совринларни қўлга киритишмоқда. Шу йилнинг ўзини олайлик. 281 нафар ўқувчимиз халқаро турнирларда, 5 нафари жаҳон, 21 нафари қитъа миқёсидаги мусобақаларда муваффақиятга эришди. Ана шу натижада Шерзод Комиллов (бокс), Жаҳонир Нурматов, Абдулбосит Насриддинов (қўлчиқболик), Исрол Нейматов, Жаҳонир Нурматов (юнон-рум кураши) каби иқтидорларимизнинг мусобиб хиссаси бор.

Сир эмас, сўз вилоят спорти ҳақида кетганда, албатта, боксдаги ютуқлар тилга олинади. Негаки, мустақиллик йилларида ёзи Олимпияда ўйинларида олтин медални қўлга киритган Муҳаммадқодир Абдуллаев, бронза медаллари билан тақдирланган Ўткирбек Ҳайдаров ва Баҳодиржон Султонов сингари спортчиларимиз эришган ютуқлар тўғрисида "Андижон бокс мактаби" деган ибора пайдо бўлди. Ҳозир ана шу мактабнинг ёш тарбияланувчилари ҳам акалари бошлаган анъанани давом эттиришмоқда. Андижон олимпия заҳиралари коллежиде юздан ортиқ ёшлар бокс билан мунтазам шуғулланишяпти. Умуман, вилоятда фаолият кўрсатаётган болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида минг-

да футбол бўйича Ихтисослаштирилган мактаб-интернат ташкил этиш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Мазкур мактаб-интернатда яратилган шарт-шароитлар билан танишар экансиз, кўнглингизда ажиб бир қувонч, фахрлиниш ҳисси уйғонади. Тўртта футбол майдони, спорт зал, сузиш ҳавзаси, машқ зали, ўқув хонаси, дам олиш хонаси, замонавий жиҳозлар футболчиларнинг эртанги эгалари ихтиёрига берилган. Икки йил муқаддам таълим даргоҳининг 100x70 ҳажмдаги асосий майдонига Ўзбекистон Футбол федерацияси томонидан жаҳон талабларига мос суний қоплама тўшалгани тўғрисида бу ердаги имкониятлар янада яхшиланди.

— Мактаб-интернатимизда 10 ёшдан 15 ёшгача бўлган 20 нафар ёш футболчи тарбияланмоқда, — дейди ихтисослаштирилган мактаб-интернат бош мураббайи Лутфилло Маждидов. — Уларга тезлик, техника, дриблинг, ақлий изланишларни ривожлантириш каби замонавий футбол талаблари асосида сабоқ берилмоқда. Тарбияланувчиларимиз ўйин амалиётини ошириш мақсадида Фарғона водийсининг бошқа вилоятлари жамоалари билан ўртоқлик учрашувлари ўтказиб туришди. Шунингдек, вилоятимизда ташкил этилган "Келажак лигаси" ҳамда республика миқёсидаги мусобақаларда футболчиларимиз мунтазам қатнашиб, совриндорлар қаторидан жой олишмоқда. Муҳими, тажриба орттиришяпти.

— Яхши футболчи бўлсам, келажақда миллий терма жамоаларимиз сафига тўп суриб, улар галабаларга эришсам, дейман, — дейди ихтисослаштирилган мактаб-интернат ўқувчиси Илҳом Одиллов. — Шароит, имконият бор, ҳамма гап ўзимизнинг ҳаракатимизга боғлиқ.

## Иқтидорли ёшлар кўриги

Қарши шахрида "Юрт келажаги" республика кўрик-танловининг минтақавий босқичи ниҳоясига етди. Унда ижодий беллашувнинг Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд ва Жиззах вилоятлари босқичида голиб деб топилган 15 ёшдан 25 ёшгача бўлган иқтидорли ёшлар қатнашди.

### ТАНЛОВ

Энг яхши "Архитектура ва дизайн", "Ахборот технологиялари, рационализаторлик тақлифлар ва техник ишланмалар", "Анъанавий амалий санъат", "Адабиёт ва публицистика" мавзуларидаги 4 та номинация ҳамда архитектура ва интерьер дизайни, шаҳарсозлик ҳамда ландшафт дизайни, либослар дизайни, веб-ишланмалар, дастурий таъминот, менежмент ва ишлаб чиқариш жараёнини такомиллаштириш, фольклор, ракс, назм ва публицистика каби 15 йўналишдаги лойиҳалар муаллифлари ўз иқтидорларини намойиш қилдилар.

кўрилди, — дейди Чироқчи енгил сонаот касб-хунар коллежи ўқувчиси Феруз Муродинов. — Тенгдошларимнинг кўёш энергияси ёрдамида чўл худудда яшовчи аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш, бундай шароитда гўзал томчилатиб, галлани ёмғирлатиб сугориш, грипп эпидемияси даврида бинолар ичидаги ҳавони тозалаш ва зарарсизлантириш каби ишланмалари кўпчилиқда катта қизиқиш уйғотди.

Яқунда ҳар бир йўналиш бўйича голиблар номи аниқланиб, уларга ташкилотчиларнинг диплом ҳамда қимматбаҳо совғалари топширилди.

Аҳад МУҲАММАДИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## Янги йил акцияси!

-50%

↓

МАКСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Тўлиқ маълумотни [www.uzmobile.uz](http://www.uzmobile.uz) сайтидан ёки 8 (800) 200-09-09 телефони орқали билиб олиш мумкин.

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ

очиқ аукцион савдоларида тақлиф қилади.

«Capital realtor group» МЧЖ Фарғона филиалида 2014 йил 15 январь куни соат 14.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич очиб бориш тартибиде ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулк тақдоран арзонлаштирилган нархда қўйилмоқда:

**1.** Марғилон шахар СИБ томонидан ЖИБ Риштон тумани судининг 2012 йил 25 июндаги 1-11-7/2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Марғилон шахри, «6-КМК» МЧЖга қарашли, Марғилон шахри, «Наврўз» МФЙ, Саккокий кўчаси, 2-уйда жойлашган, умумий майдони 8265,18 кв.м., фойдаланиш майдони 7 233,74 кв.м. бўлган бино-иншоотлар мажмуа сифатида.

Бошланғич баҳоси — 607 261 360 сўм.

**2.** Қувасой шахар СИБ томонидан ФИБ Фарғона туманлараро судининг 2013 йил 5 мартдаги 1-473/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Артиков Улғубека қарашли, Қувасой шахри, «Хувайдо» МФЙ, Шифокорлар кўчасида жойлашган дорихона бино-иншоотлари.

Бошланғич баҳоси — 26 000 000 сўм.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда, яъни 2014 йил 13 январь куни соат 17.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини савдо ташкилотчиси — «Capital realtor group» МЧЖнинг ОАТБ «Капиталбанк» Мирзо Улғубек филиалида қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

Аукцион голиби сотиб олган мулк қийматини беш банк кунни мобайнида тўлиқ тўлаши керак.

Барча масалалар юзасида қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Фарғона шахри, Бурхониддин Марғинович кўчаси, 22-уй. Телефонлар: (+99873) 244-19-91, (+99890) 231-38-59.

Лицензия: № RR-0017.

### TRANСПОРТ

Пешку туманидаги "Қорақалпоқ" қишлоқ фўқаролар йиғини худуди бепойн чўлга туташ. Айни кунгача бу ерда яшовчи аҳоли туман ҳамда вилоят марказларига бориш учун икки-учта транспорт воситасига чиқишга мажбур бўлар эди.

## Янги йўналишларда янги автобуслар

Тадбиркорлар саъй-ҳаракати билан эндиликда ортиқча овоғарчиликка ҳожат қолмади. "Пешкуавтожамланма" хусусий корхонаси Самарқандда ишлаб чиқарилаётган "Исузу" русумли замонавий автобуслардан етти тасини харид қилиб, туман ва вилоят марказига тўғридан-тўғри қатновчи янги йўналишлар

оқди. Натижада қишлоқ аҳолиси учун қулайлик юзага келди.

Эътиборлиси, ҳозир туманда транспорт хизмати кўрсатишга ихтисослаштирилган тўртта корхона фаолият кўрсатмоқда. Уларда олтишдан зиёд киши меҳнат қилаёпти.

Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Республика аҳолиси диққатига!

«JUN LONG INDUSTRIAL»

масъулияти чекланган жамияти шаклидаги хорижий ишлаб чиқариш корхонаси

табiiй Ангрен кўмир кукунидан тайёрланган кам аралашмали ва сифатли, юқори иситиш қувватига эга, махсус технология асосида корхонада ишлаб чиқарилган

кўмир брикетларини

ҳамда

сув билан

иситиш

печларини

тақлиф қилади.

Тўловлар келишилган шаклда амалга оширилади. МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Манзилимиз: Тошкент вилояти, «Ангрен» махсус индустриал зонаси. Мурожаат учун телефонлар: (8 370) 662-25-25, (+99871) 255-64-60, факс: (+99871) 255-63-73. e-mail: jlangren@mail.ru

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1254. 74 560 нусхадда босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълолар 232-11-15.

Тахририятга келган кўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас. Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бемуратов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шахри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи муҳаррир — М. Жониҳонов. Навбатчи — З. Худойшукров. Мусахҳиҳ — Ш. Машраббоев.